



Мендан бир оятни бўлса ҳам етказинглар. Бану Исроил ҳақида сўзлайверинглар, танглик йўқ. Ким менга нисбатан ёлғон тўқиса, дўзахдан жойини олаверсин», дедилар

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мендан бир оятни бўлса ҳам етказинглар. Бану Исроил ҳақида сўзлайверинглар, танглик йўқ. Ким менга нисбатан ёлғон тўқиса, дўзахдан жойини олаверсин», дедилар».

[Тўғри матн] [Бухорий ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам у зотдан нақл қилинган Қуръон ёки Суннат илмини, гарчи битта оят ёки битта ҳадис каби оз бўлса ҳам, етказишга буюрмоқдалар. Лекин етказаетган ёки даъват қилаётган илмни яхши билиши шартдир. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Бану Исроил ва уларнинг қиссалари ҳақида шариатимизга зид бўлмаган жойларини баён қилиш мумкинлигини хабар бердилар. Сўнгра ўзларига нисбатан ёлғон тўқишдан огоҳлантириб, кимки у зотга нисбатан қасддан ёлғон гапирса, ўзига дўзахдан жой олишини айтдилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3686>

